

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/05.05.2023.Tib.30.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ФАРҒОНА ЖАМОАТ САЛОМАТЛИГИ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ЗОКИРОВ МУЗАФФАР МУХТАРАЛИ ЎҒЛИ

**ОИВ ЭНЦЕФАЛОПАТИЯСИНИНГ КЛИНИК-НЕВРОЛОГИК ВА
НЕЙРОВИЗУАЛИЗАЦИОН ХУСУСИЯТЛАРИ**

14.00.13 – Неврология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2024

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Зокиров Музаффар Мухтарали ўғли ОИВ энцефалопатиясининг клиник-неврологик ва нейровизуализацион хусусиятлари	3
Зокиров Музаффар Мухтарали угли Клинико-неврологические и нейровизуализационные особенности ВИЧ энцефалопатии	24
Zokirov Muzaffar Muxtarali ugli Clinical, neurological and neuroimaging features of acute intravenous encephalopathy.....	44
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works	50

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/05.05.2023.Tib.30.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ФАРҒОНА ЖАМОАТ САЛОМАТЛИГИ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ЗОКИРОВ МУЗАФФАР МУХТАРАЛИ ЎҒЛИ

**ОИВ ЭНЦЕФАЛОПАТИЯСИНИНГ КЛИНИК-НЕВРОЛОГИК ВА
НЕЙРОВИЗУАЛИЗАЦИОН ХУСУСИЯТЛАРИ**

14.00.13 – Неврология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2024

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.4.PhD/Tib2262 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Фарғона жамоат саломатлиги тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифанинг (www.tma.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталининг (www.ziynet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Маджидова Ёкютхон Набиевна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Рашидова Нилуфар Сафоевна
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Джурабекова Азиза Тахировна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Тошкент давлат стоматология институти

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.04/05.05.2023.Tib.30.04 рақамли Илмий кенгашнинг 2024 йил «__»_____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100109, Тошкент ш., Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2-уй. Тел./факс: (+99871) 150-78-25, e-mail: e-mail: info@tma.uz)

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри Олмазор тумани Фаробий кўчаси 2-уй; Тошкент тиббиёт академиясининг 2-ўқув биноси «Б» корпуси, 1-қават, 7-хона. Тел./факс: (99871) 150-78-14)

Диссертация автореферати 2024 йил «__»_____ кuni тарқатилди.
(2024 йил _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Р.Ж. Матмуродов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Р.Б. Азизова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий
котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

Д.К. Хайдарова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт
фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда одам иммунитет танқислиги вируси (ОИВ) инфекциясининг жаҳонда кенг тарқалиши ва ундан келиб чиқадиган асоратлар инсон саломатлиги учун жиддий хавф туғдиради. Турли тадқиқотлар ва Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра ОИВ инфекцияси билан зарарланганлар сони 39,9 миллион кишига етди, ОИВ билан зарарланган инсонларнинг 30% дан 60% гача қисми касалликнинг турли босқичларида марказий асаб тизимига зарар етиши билан боғлиқ неврологик муаммоларга дуч келади. ЖССТ хисоботида келтирилишича «...ОИВ марказий асаб тизимига жиддий зарар етказиб, деменция ва бошқа оғир когнитив бузилишларга олиб келади. Бу ҳолатларнинг эрта аниқлаш ҳамда комплекс даволаш муҳим бўлиб, мазкур юқумли беморлар ўртасида ўлим ҳолатларини сезиларли даражада камайишига олиб келиши мумкин...»¹. Шунинг учун ОИВ энцефалопатия профилактикаси ва эрта даволаш муолажаларини амалга ошириш амалий аҳамиятга эга.

Жаҳон миқёсида антиретровирус терапияси (АРВТ)даги сезиларли ютуқларга қарамасдан, ОИВ-энцефалопатияси ҳамон соғлиқни сақлаш соҳасида долзарб муаммо сифатида қолмоқда. Бу борада илмий адабиётларда таъкидланишича, ОИВ билан касалланган беморларнинг 30-50%и самарали АРВТ олаётганига қарамасдан, турли шаклдаги нейрокогнитив бузилишларга учраши мумкин. ОИВ беморларнинг 2-5%ида ОИВ-энцефалопатия ривожланиши эҳтимоли мавжудлиги бу ҳолатнинг катта аҳамиятга эга эканлигини кўрсатади, чунки бу касаллик юз минглаб одамларнинг ҳаёт сифатини сезиларли даражада пасайтириб, уларнинг мустақил ҳаёт фаолиятини чеклайди. Шунингдек, ОИВ билан яшайдиган инсонлар орасида ёш ўтиши ва ҳамроҳ касалликлар нейрокогнитив бузилишлар хавфини янада оширмоқда. Бундай ҳолатлар эрта ташхис қўйиш ва даволашда илмий асосланган комплекс ёндашувларни ишлаб чиқишни талаб этади, бу эса бу соҳадаги илмий тадқиқотларнинг назарий аҳамиятини янада оширади.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш, тиббий хизматни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, жумладан, даволаш-профилактика чора-тадбирлари натижаларини яхшилаш мақсадида ОИВ энцефалопатиясининг эрта белгиларини аниқлаш ва даволашни такомиллаштиришга қаратилган муайян чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада, одамнинг иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқарадиган касалликка қарши курашиш тизимини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қатор вазифалар белгиланган бўлиб, улар жаҳон стандартларига мувофиқ тиббиётни мослаштириш, жумладан, «... ОИВ инфекциясини эрта аниқлаш, олдини олиш ва даволаш бўйича амалдаги клиник баённомаларни

¹ <https://www.who.int/publications/i/item/9789240027077>

қайта кўриб чиқиш ва уларни амалиётга татбиқ қилиш»²га қаратилган. Бу вазифаларни муваффақиятли амалга ошириш замонавий технологиялардан фойдаланган ҳолда диагностика жараёнида ногиронлик ва ОИВ асоратлари туфайли ўлим кўрсаткичларини пасайтириш, беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш, даволаш самарадорлигини ошириш юзасидан тадқиқотларни амалга ошириш мақсага мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ-6110-сон «Бирламчи тиббий-санитария муассасалари фаолиятига тамоман янги механизмларни жорий этиш ва соғлиқни сақлаш ислохотларининг самарадорлигини янада ошириш бўйича чора-тадбирлар», 2018 йил 25 январдаги ПФ-3493-сон «Ўзбекистон Республикасида инсон иммунитет танқислиги вируси (ОИВ) билан боғлиқ касалликларни тарқалишининг олдини олиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2022 йил 25 апрелдаги ПФ-215-сон «Бирламчи тиббий-санитария ёрдамни аҳолига яқинлаштириш ва тиббий хизмат кўрсатиш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонлари, 2022 йил 29 январдаги ПҚ-60-сон «2022-2026 йилларда Янги Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси тўғрисида», 2023 йил 20 январдаги ПҚ-14-сон «Одамнинг иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқарадиган касалликка қарши курашиш тизимини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг илм-фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Инфекцион касалликларнинг неврологик асоратларини ҳам чет эл, ҳам маҳаллий олимлар томонидан ўрганиб борилмоқда. Бугунги кунда ОИВ билан зарарланган беморларнинг рухий мослашув аспекти (William H. Holzemer, 2009 йил), мия шикастланишининг механизмлари (Avindra Nath, 2002 йил), нерв тизими шикастланишининг турлари (Victor G. Valcour, 2004 йил), ВИЧ билан боғлиқ мия бузилишларининг нур диагностикаси (Giovanni Schinina, 2012 йил), ВИЧ энцефалопатиясининг нейрокогнитив бузилишлари (Ned Sacktor, 2020 йил) яхши ўрганилган. Ўзбекистонда ҳам ОИВ инфекциясининг неврологик асоратлари бўйича тадқиқотлар ўтказилган, жумладан, ОИВ инфекциясининг бошланғич неврологик кўринишлари (Куранбоева С.Р., 2021) ва ОИВ энцефалопатиясининг патогенези (Ўтегенова С.Б., 2024), болаларда ОИВ энцефалопатиясининг клиник-иммунологик хусусиятлари ва диагностика алгоритми (Саидхўжаева С.Н., 2022). Шу билан бирга, когнитив

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 20 январдаги «Одамнинг иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқарадиган касалликка қарши курашиш тизимини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-14-сон қарори. (<https://lex.uz/uz/docs/6364828>)

бузилишларни коррекция қилиш ва нейротрофик омилларнинг таъсири бўйича тадқиқотлар ўтказилмаган ва бу масалалар ҳозирги кунда ҳам долзарблигича қолмоқда.

Ҳозирги вақтда ОИВ энцефалопатиясининг клиник кўриниши етарлича яхши ўрганилган, аммо патогенез, эрта диагностика ва турли когнитив, нейропсихологик, лаборатор маълумотлари асосида патогенетик даволашга бўлган ёндашувларнинг кўплаб саволлари етарли даражада ўрганилмаган. Шунингдек, когнитив бузилишларнинг динамикаси ва ВИЧ энцефалопатиясининг кучайиш даражасига нейротрофик омиллар таъсири, жумладан, қон зардобидаги BDNF, CNTF ва NGF нейротрофик омилларининг аҳамияти, мунозарали бўлиб қолмоқда. Юқорида баён қилинган фикрлар бизда ушбу муаммоларни чуқурроқ ўрганишга ва ушбу илмий тадқиқотни ўтказишга рағбат уйғотади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Фарғона жамоат саломатлиги тиббиёт институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг «Фарғона водийси аҳолисининг саломатлик ҳолати, атроф-муҳит ҳолати, унга таъсир этувчи хавф омилларини аниқлаш ва аҳоли турли гуруҳларининг ҳаёт сифатини яхшилаш бўйича донозологик чора-тадбирлар мажмуасини ишлаб чиқиш» (давлат рақами 012000258) мавзусидаги лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ОИВ энцефалопатиясига чалинган беморларнинг клиник-неврологик, эмоционал, когнитив ҳолатини, шунингдек уларнинг нейровизуалогик кўринишларини ўрганишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ОИВ энцефалопатиясининг клиник неврологик хусусиятлари ва беморларнинг ҳаёт сифатини баҳолаш;

ОИВ энцефалопатияси бўлган беморларда когнитив ва эмоционал бузилишлар даражасини аниқлаш;

ОИВ энцефалопатияси бўлган беморларда нейровизуализация текширувларини тадқиқ қилиш;

ОИВ энцефалопатияси бўлган беморларда лаборатор (Вирус юкламаси, CD4, нейротрофинлар NGF, BDNF, CNTF) текширувларини баҳолаш;

Ноотроп препаратларнинг (гопантен кислотаси ва холин альфосцерати) ОИВ энцефалопатияси бўлган беморларда когнитив ва эмоционал бузилишларга таъсирини аниқлаш;

ОИВ ВИЧ-энцефалопатия билан касалланган беморларда даволаш жараёнида қон зардобидаги нейротрофик омиллар билан когнитив бузилишлар ўртасида корреляцион таҳлил ўтказиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Фарғона вилояти ОИТСга қарши кўрашиш марказида ОИВ энцефалопатияси билан касалланган 161 нафар 25-60 ёшдаги бемор олинган ҳамда назорат гуруҳига неврологик асоратлари бўлмаган 25 нафар ОИВ инфекцияланган бемор киритилган.

Тадқиқотнинг предметини ОИВ энцефалопатиясига чалинган беморлардан олинган веноз қон, уларнинг объектив ҳолати, невростатус, когнитив ва эмоционал ҳолати ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Илмий-тадқиқот ишида клиник, неврологик, когнитив ҳолатни ўрганиш (МОСА тест, FAB тест, Спилберг-Ханин тести), билан бирга, параклиник (лаборатория (BDNF, CNTF, NGF, ВЮ, CD4) ва инструментал (магнит-резонанс томографияси) ҳамда статистик тадқиқот усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

одам иммунитет танқислиги вируси энцефалопатияси билан касалланган беморларда когнитив ва эмоционал соҳаларнинг етишмовчилиги ва оғирлик даражаси беморнинг жинси, ёши, қондаги вирус юкламасига боғлиқ эмаслиги, вируснинг бош миядаги захира хавзаси ҳосил қилиши сабабли иммунитет жавоби даражасига (қондаги CD4 хужайралари сони) боғлиқ эканлиги исботланган;

одам иммунитет танқислиги вируси энцефалопатияси бўлган беморларда мия шикастланишининг МРТ текшируви натижаларида вируснинг танлаб таъсир қилиши туфайли триада белгилар намоён бўлиб, бошнинг пешона-чакка-тепа пўстлоқ бўлаклари зарарланиши, симметрик лейкоареоз ва ликвор йўллариининг кенгайиши ҳамда лейкоареознинг умумий майдони билан қондаги CD4 лимфоцитлари даражаси ўртасида яллиғланиш жараёнларининг кучайиши сабабли тесқари юқори корреляция мавжудлиги исботланган;

одам иммунитет танқислиги вируси инфекцияси бор беморларда вирус тўғридан-тўғри нерв хужайраларини зарарлаши сабабли когнитив бузилишлар даражаси билан қондаги BDNF ва NGF нейротрофинларининг камайиши ўртасида тўғри юқори корреляция, CNTF нейротрофинининг кўпайиши ўртасида эса тесқари юқори корреляция мавжудлиги асосланган;

одам иммунитет танқислиги вируси инфекцияси билан касалланган беморларда ноотроп препаратлар касаллик патогенезининг турли жараёнларига таъсир қилиши, холин альфосцерат ацетилхолин синтезини рағбатлантириши ва нейропластиклики ошириши сабабли когнитив соҳаларга ижобий таъсир кўрсатиши, гопантен кислотаси асосидаги ноотроплар эса ГАМК рецепторларинининг модуляция қилиши сабабли эмоционал соҳаларга кўпроқ таъсир қилиши исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари куйидагилардан иборат:

ОИВ энцефалопатияси билан касалланган беморларга тиббий ёрдам кўрсатадиган шифохоналар ва илмий марказлар фаолиятига жорий этилган зарурий диагностик МРТ текширувида иммун тизим зурайиб бориши билан лейкоареоз умумий майдони ортиб бориши диагностик ахамиятга эгаллиги очиб берилган;

ОИВ энцефалопатияси билан касалланган беморларда касаллик зурайиб бориши билан BDNF (мия нейротрофик омил) ва NGF (нейронларнинг ўсиш омили) миқдори камайиб бориши, CNTF (цилиар нейротрофик омил) миқдори ортиб бориши аниқланган;

ОИВ энцефалопатияси билан касалланган беморларни даволаш алгоритми когнитив ва нейрпсихологик ҳолат етишмовчилигидан келиб чиққан ҳолда оптималлаштирилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда замонавий тадқиқот усуллар қўлланилганлиги, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, ўрганилган материал сонининг етарлилиги, клиник, неврологик, психологик тест, инструментал, лаборатор ва статистик усулларга асосланганлиги, тадқиқот натижаларини клиник ва неврологик параллелари халқаро ҳамда маҳаллий маълумотлар билан таққосланганлиги, чиқарилган хулоса ҳамда олинган натижаларни ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ОИВ энцефалопатияси ривожланишининг эрта ва кечки иммунологик хусусиятлари, шунингдек, энцефалопатиянинг асосий патогенетик йўллари аниқланганлиги, патологик функционал тизимларнинг ривожланиш механизмлари кўриб чиқилганлиги ва ушбу асоратларнинг ўз вақтида диагностикасининг асосий омиллари ажратиб кўрсатилганлиги, ОИВ энцефалопатиясида касалликнинг когнитив ва нейрпсихологик хусусиятлари, ноотроп дориларнинг когнитив ва нейрпсихологик сфераларга таъсири ўрганилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти қон зардобадан олинадиган BDNF, CNTF ва NGF нейротрофик омилларини замонавий лаборатория тадқиқотлари ва ОИВ энцефалопатияси турли клиник гуруҳларига мансуб беморларни дифференциаллашган ҳолда даволашда патогенетик ташхис қоидаларини ишлаб чиқишда ҳамда ушбу усулларни амбулатор ва стационар муассасалар амалиётига жорий этиш беморларда касалликни эрта аниқлаш, даволашни оптималлаштириш ва касалликнинг ривожланишини секинлаштириш, шу билан бирга, беморларнинг ҳаёт сифатини ошириши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши. ОИВ энцефалопатиясининг клиник-неврологик ва нейровизуализацион хусусиятлари бўйича олинган илмий натижалар асосида

биринчи илмий янгилик: одам иммунитет танқислиги вируси энцефалопатияси билан касалланган беморларда когнитив ва эмоционал соҳаларнинг етишмовчилиги ва оғирлик даражаси беморнинг жинси, ёши, қондаги вирус юкламасига боғлиқ эмаслиги, вируснинг бош миядаги захира хавзаси ҳосил қилиши сабабли иммунитет жавоби даражасига (қондаги CD4 ҳужайралари сони) боғлиқ эканлиги Фарғона жамоат саломатлиги тиббиёт институти Мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 2023 йил 27 сентябрда 01-02/у-t-02 сон билан тасдиқланган «ОИВ энцефалопатиясининг неврологик хусусиятлари ва уни даволаш» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Андижон вилояти ОИТСга қарши курашиш маркази 25.04.2023 йилдаги 63-сон ҳамда Республика ихтисослашган эпидемиология, микробиология, юқумли ва паразитар

касалликлар илмий-амалий тиббиёт маркази Фарғона филиалида 25.04.2023 йилдаги 32/А буйруқлари билан амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2024 йил 25 июндаги 01/14-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* ОИВ энцефалопатияси бор беморларнинг клиник ва неврологик белгиларини эрта аниқлаш ва эрта ташхислаш, деменция каби оғир асорартларини олдини олишга имконият беради; *Иқтисодий самарадорлиги:* иқтисодий самарадорликни NPV (Net Present Value) формуласи бўйича $NPV = \sum_{t=1}^n \frac{V_t - C_t}{(1+r)^t}$. Бунда V_t йиллик фойда, C_t йиллик харажат, r дисконт ставка, t – вақт (йилда). Шундан кеб чиқиб эрта диагностиканинг сарфи - 500000, эрта диагностикадаги даволаниш сарфи 200 000, кечки диагностиканинг сарфи 600000, иқтисодий фарқи 500000, дисконт ставкаси 5%, вақт горизонти 10 йил: $NPV = \sum_{t=1}^{10} \frac{V_t - C_t}{(1+0.05)^t} = NPV_{1-10} = 300,000 \times (1 - (1.05)^{-10}) / 0,05 \approx 300,000 \times 7.7217 = 2316510$ сўмни ташкил қилади.

иккинчи илмий янгилик: одам иммунитет танқислиги вируси энцефалопатияси бўлган беморларда мия одам иммунитет танқислиги вируси энцефалопатияси бўлган беморларда мия шикастланишининг МРТ текшируви натижаларида вируснинг танлаб таъсири қилиши туфайли триада белгилар намоён бўлиб, бошнинг пешона-чакка-тепа пўстлоқ бўлаклари зарарланиши, симметрик лейкоареоз ва ликвор йўллариининг кенгайиши ҳамда лейкоареознинг умумий майдони билан қондаги CD4 лимфоцитлари даражаси ўртасида яллиғланиш жараёнларининг кучайиши сабабли тескари юқори корреляция мавжудлиги Фарғона жамоат саломатлиги тиббиёт институти Мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 2023 йил 27 сентябрда 01-02/u-t-02 сон билан тасдиқланган «ОИВ энцефалопатиясининг неврологик хусусиятлари ва уни даволаш» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Андижон вилояти ОИТСга қарши курашиш маркази 25.04.2023 йилдаги 63-сон ҳамда Республика ихтисослашган эпидемиология, микробиология, юқумли ва паразитар касалликлар илмий-амалий тиббиёт маркази Фарғона филиалида 25.04.2023 йилдаги 32/А буйруқлари билан амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2024 йил 25 июндаги 01/14-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* мрт текширувида беморларга оив энцефалопатиянинг эрта ташхислашга ёрдам бериб, деменция каби оғир асорартларини олдини олишга имконият беради; *Иқтисодий самарадорлиги:* иқтисодий самарадорликни NPV (Net Present Value) формуласи $NPV = \sum_{t=1}^n \frac{V_t - C_t}{(1+r)^t}$ бўйича текширилганда, МРТнинг сарфи 150000, эрта ташхислашдаги даволаш сарфи 250000, кечки ташхислашдаги сарфи харажат 600000, иқтисодий фарқи 350000, дисконт ставкаси 5%, вақт горизонти 10 йил: $NPV = \sum_{t=1}^{10} \frac{V_t - C_t}{(1+0.05)^t} = NPV_{1-10} = 100,000 \times (1 - (1.05)^{-10}) / 0,05 \approx 100,000 \times 7.7217 = 772170$ сўмни ташкил қилади.

учинчи илмий янгилик: одам иммунитет танқислиги вируси инфекцияси бор беморларда вирус тўғридан-тўғри нерв хужайраларини зарарлаши сабабли когнитив бузилишлар даражаси билан қондаги BDNF ва NGF

нейротрофинларининг камайиши ўртасида тўғри юқори корреляция, CNTF нейротрофинининг кўпайиши ўртасида эса тескари юқори корреляция мавжудлиги Фарғона жамоат саломатлиги тиббиёт институти Мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 2023 йил 27 сентябрда 01-02/u-t-02 сон билан тасдиқланган «ОИВ энцефалопатиясининг неврологик хусусиятлари ва уни даволаш» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Андижон вилояти ОИТСга қарши курашиш маркази 25.04.2023 йилдаги 63-сон ҳамда Республика ихтисослашган эпидемиология, микробиология, юқумли ва паразитар касалликлар илмий-амалий тиббиёт маркази Фарғона филиалида 25.04.2023 йилдаги 32/А буйруқлари билан амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2024 йил 25 июндаги 01/14-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* қондаги нейротрофик омиллар ва когнитив етишмовчилик корреляцияси диагностик ва даволашда прогностик ахамиятга эга; *Иқтисодий самарадорлиги:* иқтисодий самарадорлик NPV (Net Present Value) формуласи бўйича $NPV = \sum B_t - C_t / (1+r)^t$ ҳисобланади. Шунда когнитив дефицит мониторинги - 100000, CD4 миқдорининг ҳар хил даражасидаги когнитив дефицитнинг даволаш эрта аниқданганда 200 000, кеч аниқланганда 500 000, иқтисодий фарқи 300000, дисконт ставкаси 5%, вақт горизонти 10 йил: $NPV = \sum_{t=1}^{10} B_t - C_t / (1+0.05)^t = NPV_{1-10} = 200,000 \times (1 - (1.05)^{-10} / 0.05) \approx 200,000 \times 7.7217 = 1544340$ сўмни ташкил қилади.

тўртинчи илмий янгилик: одам иммунитет танқислиги вируси инфекцияси билан касалланган беморларда ноотроп препаратлар касаллик патогенезининг турли жараёнларига таъсир қилиши, холин альфосцерат ацетилхолин синтезини рағбатлантириши ва нейропластиклики ошириши сабабли когнитив соҳаларга ижобий таъсир кўрсатиши, гопантен кислотаси асосидаги ноотроплар эса ГАМК рецепторларинининг модуляция қилиши сабабли эмоционал соҳаларга кўпроқ таъсир қилиши исботланган. Фарғона жамоат саломатлиги тиббиёт институти Мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 2023 йил 27 сентябрда 01-02/u-t-02 сон билан тасдиқланган «ОИВ энцефалопатиясининг неврологик хусусиятлари ва уни даволаш» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Андижон вилояти ОИТСга қарши курашиш маркази 25.04.2023 йилдаги 63-сон ҳамда Республика ихтисослашган эпидемиология, микробиология, юқумли ва паразитар касалликлар илмий-амалий тиббиёт маркази Фарғона филиалида 25.04.2023 йилдаги 32/А буйруқлари билан амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2024 йи-л 25 июндаги 01/14-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* ноотроп препаратларининг тўғри танланиши, ҳамда когнитив дефицит ва нейропсихологик ҳолатдаги ноотроп препаратининг тўғри танлови, беморда даволанишнинг самарадорлигини ошириши ва ҳаёт сифатини яхшилашда кўзатилади. *Иқтисодий самарадорлиги:* иқтисодий самарадорлик NPV (Net Present Value) формуласи $NPV = \sum B_t - C_t / (1+r)^t$ бўйича текширилганда: холин альфосцератнинг сарфи 100000, гопантен кислотаси

препарати сарфи 50000, когнитив ва нейропсихологик ҳолатни умумий даволаниши 300000, иқтисодий фарқи 200000, дисконт ставкаси 5%, вақт горизонти 10 йил. $NPV = \sum_{t=1}^{10} \frac{B_t - C_t}{(1+0.05)^t} = 200,000 \times (1 - (1.05)^{-10}) / 0.05 \approx 100,000 \times 7.7217 = 1,544,340$ сўмни ташкил этади.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 5 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан 2 та халқаро ва 3 та республика илмий амалий анжуманларида муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 24 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 9 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 5 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, 4 асосий боб, хулоса ва фойдаланган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмда тадқиқот мавзусининг долзарблиги баён этилган, тадқиқот мавзусининг ўрганилганлик даражаси ҳақида маълумот берилган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари тавсифланган, мавзусининг ўрганилганлик даражаси кўрсатилган. Тадқиқот объекти ва предмети аниқланган, тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти баён этилган. Тадқиқот методологияси ва методлари келтирилган, химояга қўйиладиган асосий нуқталар тасвирланган. Шунингдек, бу бўлимда тадқиқот натижалари жорий этилган тузилмалар, муаллифнинг тадқиқот мавзуси бўйича илмий ишлари ва чоп этилган асарлари ҳақида маълумотлар акс эттирилган. Муаллифнинг ўтказилган тадқиқотдаги шахсий ҳиссаси, шунингдек, диссертация тадқиқотининг ҳажми ва тузилиши кўрсатилган.

Биринчи боб «**ОИВ энцефалопатиясида ҳақида замонавий тушунчалар, ОИВ энцефалопатиясини диагностика ва даволаш чоратadbирлари**»да ОИВ-инфекцияси ҳақида замонавий тушунчалар акс эттирилган. НейроОИТС ҳақидаги замонавий маълумотлар келтирилган. ОИВ энцефалопатиясининг патогенетик жиҳатлари кўриб чиқилган. ОИВ энцефалопатиясини классификациялаш мезонлари аниқланган, ушбу касалликнинг клиник хусусиятлари тавсифланган. ОИВ энцефалопатиясини диагностика қилишнинг замонавий усуллари ва ушбу касалликни даволашнинг замонавий усуллари келтирилган.

Иккинчи боб «**ОИВ энцефалопатиясининг клиник-неврологик ва нейровизуализацион хусусиятларини баҳолаш материаллари ва усуллари**»да тадқиқот схемаси келтирилган, тадқиқот босқичлари баён қилинган. Тадқиқот материалининг хусусиятлари аниқланган, иштирокчиларни тадқиқотга киритиш мезонлари ва уларни киритмаслик

ҳамда чиқариб ташлаш мезонлари белгиланган. Тадқиқотда 21 ёшдан 60 ёшгача бўлган 161 нафар ОИВ-энцефалопатияси бўлган беморлар иштирок этди. Тадқиқот иштирокчиларининг ўртача ёши 38,4 ёшни ташкил этди. Назорат гуруҳига неврологик асоратлари ва ОИВ инфекцияси билан боғлиқ иккинчи даражали касалликлари бўлмаган 25 нафар ОИВ инфекцияланган беморлар киритилган.

Тадқиқот дизайни барча ОИВ-энцефалопатияси бўлган беморларни икки гуруҳга бўлишни ўз ичига олган: ОИВ-энцефалопатия ва ўрта даражадаги иммунодефицит 1 асосий гуруҳ (n=79) ва ОИВ-энцефалопатия ва яққол иммунодефицит 2 асосий гуруҳ (n=82).

1 асосий гуруҳ – ОИВ энцефалопатия ташҳисиси қуйилган ва CD4 хужайралар сони 350 хужайра/мл дан кўпроқ беморлардан иборат.

2 асосий гуруҳ – ОИВ энцефалопатия ташҳисиси қуйилган ва CD4 хужайралар сони 350 хужайра/мл дан камроқ беморлардан иборат.

Назорат гуруҳи – неврологик асоратларсиз, ОИВ билан боғлиқ иккиламчи даражали инфекциялар белгисиз 25 нафар ОИВ инфекцияланган беморлардан иборат.

I гуруҳу беморларнинг гендерлик хусусиятлари: эркаклар – 27 (34,2%), аёллар – 52 (65,8%); II гуруҳда: эркаклар – 28 (31,1%), аёллар – 54 (69,9%), назорат гуруҳида эркаклар – 10 (40%), аёллар – 15 (60%).

Тадқиқот 2021-2023 йиллар давомида Фарғона вилояти ОИВга қарши кураш марказида ўтказилди.

Анамнез таҳлилига беморнинг ҳаёт анамнези ва касаллик анамнези киритилди. Ҳаёт анамнезида беморнинг ўсиш ва ривожланиш хусусиятлари, яшаш шароити, касби, ҳоббилари, оилавий ҳолати ва яшаш шароити каби омиллар аниқланди. Касаллик анамнезида эса инфекцияга чалиниш вақти, касалликнинг кечиши, антиретровирус терапиясини (АРВТ) бошлаш вақти, касалликнинг асоратлари, ҳамроҳлик қиладиган касалликлар ва ўтказилаётган даволашнинг самарадорлиги каби маълумотлар аниқланди.

Барча беморларда умумий клиник қон ва сийдик таҳлиллари, шунингдек, беморнинг ҳозирги ҳолатини аниқлаш учун қоннинг биокимёвий таҳлили ўтказилди. Барча тадқиқот иштирокчиларида қондаги нейротрофик омиллар даражаси аниқланди. CNTF даражасини аниқлаш учун «Clone Cloude Corp» (АҚШ) компаниясининг тўпламлари ёрдамида «сэндвич»-усулидан фойдаланган ҳолда иммунофермент таҳлили ўтказилди. Мия нейротрофик омилли (brain-derived neurotrophic factor, BDNF) ва нервларнинг ўсиш омиллини (nerve growth factor, NGF) аниқлаш учун мос равишда Quantikine (Human BDNF) ва Beta-NGF ELISA Kit иммунофермент тўпламлари қўлланилди.

Барча тадқиқот иштирокчиларида МРТ ўтказилди. Магнит-резонанс томографияси General Electric (GE) компаниясининг магнит майдони индукцияси 1.5 Тл бўлган «Signa Echospeed» томографларида амалга оширилди.

Тадқиқот иштирокчиларининг когнитив ва эмоционал ҳолати нейрпсихологик тестлар орқали баҳоланди: МоСА тест, FAV тест ва Спилберг – Ханина тестлари қўлланилди.

ВИЧ энцефалопатиясида ноотропик препаратларнинг даволаш самарадорлигини баҳолаш учун тадқиқотнинг ҳар икки асосий гуруҳи иштирокчилари тасодифий сонлар усули билан икки кичик гуруҳга бўлинди. Биринчи кичик гуруҳга гопантен кислотаси билан даволаш тайинланди. Иккинчи кичик гуруҳга альфосцерат қабул қилиш белгиланди.

Гопантен кислотаси ноотропик ва метаболик воситалар қаторига киради. Препаратнинг таъсир механизми унинг ГАМК В-рецептор-канал комплексига бевосита таъсир қилиш қобилияти билан боғлиқ. Холин альфосцерат нейропротектив таъсирга эга ноотропик препаратлар қаторига киради. Препарат холинорецепторларни қўзғатиш қобилиятига эга (холиномиметик таъсир).

Маълумотларнинг статистик таҳлилида беморларнинг клиник-анамнестик ва лаборатор-инструментал маълумотлари қўлланилди. Статистик таҳлил Statistica for Windows V11.0 дастури орқали амалга оширилди. Маълумотлар $p \leq 0,05$ бўлган тақдирда статистик жиҳатдан ишончли деб ҳисобланади.


«Клиник-лаборатория ва инструментал текширув натижалари» номли учинчи бобда беморларнинг клиник-неврологик текширув натижалари (неврологик ҳолат, беморларнинг хусусиятлари) баён қилинган.

ОИВ инфекцияси ташҳиси ВИЧ энцефалопатияси бўлган 137 (73,6%) беморда фақат касалликнинг клиник симптомлари пайдо бўлганда қўйилди. Қолган 49 (26,4%) беморда эса ОИВ инфекцияси бошқа касалликлар бўйича текширувдан ўтиш чоғида тасодифий топилма сифатида аниқланган.

Инфекцияни юқтириш мумкин бўлган йўллари таҳлил қилиш шундан далолат берадики, 145 (79%) беморларда инфекция жинсий йўл орқали юқтирилган, 33 (18%) беморда парентерал йўл билан юқиш қайд этилган, 6 (3%) бемор эса юқиш йўлини аниқлаш имконига эга бўлмаган. Шу тариқа, тадқиқот иштирокчилари орасида инфекциянинг асосий юқиш йўли жинсий йўл орқали юқиш бўлган.


Беморларнинг асосий гуруҳидаги шикоятлар хотиранинг ёмонлашуви, диққатни жамлаш қобилиятининг пасайиши ва фикрлаш функцияларнинг ёмонлашуви билан боғлиқ эди. Бир қатор беморлар ўзларида юқоридаги шикоятларни сезмаганлар, уларнинг яқинлари томонидан ушбу шикоятлар 2 расмда кўрсатилган.

Расмдан кўриниб турибдики, иккинчи гуруҳ беморларидаги қуйидаги шикоятлар биринчи гуруҳга нисбатан кўпроқ учрайди: фикрлаш функцияларининг пасайиши (1,23 марта, $p \leq 0,05$), ёмон уйку (1,37 марта, $p \leq 0,01$), хотиранинг пасайиши (1,2 марта, $p \leq 0,05$), диққатни жамлаш қобилиятининг пасайиши (1,2 марта, $p \leq 0,05$). Шунга қарамай, қолган шикоятлар икки гуруҳда ҳам бир хил миқдорда учраган.



2-расм. Тадқиқот қилинган гуруҳлар ўртасида субъектив симптоматиканинг қиёсий баҳоланиши.

Невростатусни тадқиқ қилиш давомида беморларнинг катта қисми ҳаракат ва сенсорика соҳалари, бош мия нервлари ҳамда координация бузилишларидан азият чекканлиги аниқланди. Координация бузилишларининг тафсилотлари 3-расмда кўрсатилган. 3-расмдан кўришиб турибдики, асосий гуруҳларнинг ҳар иккисид ҳам ўткир марказ белгилари яққол намоён бўлган, улар орасида Россолимо патология рефлекси (2,2 марта кўпроқ), Бабинский патология рефлекси (1,8 марта кўпроқ) ва қўл-оёқлар парези (1,7 марта кўпроқ) парестезия ва интенцион тремор каби очоқ белгиларига нисбатан устунлик қилган. Барча марказ белгиларининг иккинчи гуруҳда биринчи гуруҳга нисбатан устунлиги қайд этилган (1,3 дан 1,5 мартача).



3 расм. Неврологик статус n=186

3-расмдан кўришиб турибдики, асосий гуруҳларнинг ҳар иккисиди ҳам ўткир марказ белгилари яққол намоён бўлган, улар орасиди Россолимо патология рефлекси (2,2 марта кўпроқ), Бабинский патология рефлекси (1,8 марта кўпроқ) ва қўл-оёқлар парези (1,7 марта кўпроқ) парестезия ва интенцион тремор каби очоқ белгиларига нисбатан устунлик қилган. Барча марказ белгиларининг иккинчи гуруҳда биринчи гуруҳга нисбатан устунлиги қайд этилган (1,3 дан 1,5 мартача).

Барча тадқиқот иштирокчиларида вирус юкламаси ва CD4 хужайралари даражаси аниқланди. Статистик қайта ишланган маълумотлар 2-жадвалда келтирилган.

2-жадвал

ОИВ-энцефалопатияси бўлган асосий гуруҳ пациентларида вирус юкламаси даражаси, n=161

вирус юкламаси даражаси (нусха/мл)	Беморлар сони	вирус юкламаси ўртача қиймати	Min	Max
1-асосий гуруҳ				
10 000 гача	65**	386,17	36	7 340
10 000-100 000	5	28 457,3	10 372	67 108
100 000 ва ҳоказо	9	137 577,9	118 168	1 398 112
Жами	79	21 686,9	36	1 398 112
2-асосий гуруҳ				
10 000 гача	63**	492,8	50	8 465
10 000-100 000	10*+	34 697,1	14 284	78 603
100 000 ва ҳоказо	9	222 598,5	112 982	1 967 577
Жами	63**	492,8	50	8 465
Назорат гуруҳи				
10 000 гача	25	1050,8	36	2425
Жами	25	1050,8	36	2425

2-жадвалдан кўришиб турибдики, ҳар икки асосий гуруҳдаги беморларнинг кўпчилигида вирус юкламаси паст даражада бўлган ва 10 минг нусха/мл гача бўлган кўрсаткич деярли бир хил миқдордаги беморларда аниқланган. 10 мингдан 100 минг нусха/мл гача бўлган вирус юкламаси кўрсаткичига эга беморлар сони иккинчи гуруҳда биринчи гуруҳга нисбатан 2 мартача кўп бўлган, шу билан бирга, 100 минг нусха/мл дан юқори вирус юкламасига эга беморлар сони ҳар икки гуруҳда ҳам бир хил бўлган. Вирус юкламасининг ўртача қиймати иккинчи гуруҳда биринчи гуруҳга нисбатан сезиларли даражада юқори (2,35 марта).

Асосий гуруҳлар ва назорат гуруҳи нейротрофинлар текшируви 3 жадвалда кўрсатилган. 3-жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, барча нейротрофик омилларнинг ўртача қийматлари назорат гуруҳига нисбатан статистик жиҳатдан ишончли фарқ қилади. Биринчи гуруҳда асосий гуруҳнинг ўртача NGF даражаси назорат гуруҳининг ўртача қийматидан 1,6 марта камроқ, цилиар нейротрофик омил (CNTF) даражасининг ўртача

қиймати назорат гуруҳидан 2,2 марта юқори ва мия нейротрофик омил (BDNF) даражасининг ўртача қиймати асосий гуруҳга нисбатан 2,2 марта камроқ эканлиги аниқланди, бу эса мия тўқималарининг хужайра даражасидаги фаол деструкция жараёнини англатади. Иккинчи асосий гуруҳда эса NGF даражасининг ўртача қиймати назорат гуруҳининг ўртача қийматидан 2,0 марта камроқ, цилиар нейротрофик омил (CNTF) даражасининг ўртача қиймати назорат гуруҳидан 2,5 марта юқори ва мия нейротрофик омил (BDNF) даражасининг ўртача қиймати асосий гуруҳга нисбатан 2,9 марта камроқ бўлиб, бу эса мия тўқималарининг хужайра даражасидаги янада фаол деструкция жараёнини кўрсатади.

3-жадвал

Асосий гуруҳ ва назорат гуруҳи НТФ кўрсаткичлари, n=88

Гуруҳ	НТФ кўриниши/ Қиймати	NGF (пг/мл)	CNTF (пг/мл)	BDNF (нг/мл)
1-асосий гуруҳ n=36	MIN	680	625	3,2
	MAX	918	814	5,4
	Ўртача қиймат	795±12	723±12	4,3±0,8
	P	0,01	0,04	0,02
2-асосий гуруҳ n=37	MIN	545	768	2,1
	MAX	798	973	4,5
	Ўртача қиймат	636±18	823±21	3,2±0,7
	P	0,01	0,03	0,02
Назорат гуруҳи n=15	MIN	840	315	6,3
	MAX	1520	420	12,2
	Ўртача қиймат	1284±19	325±17	9,35±1,3

Эслатма: ишончлилиқ аҳамияти: $p \leq 0,01$, $p \leq 0,05$ – статистик жиҳатдан ишончли, $p \geq 0,1$ – статистик жиҳатдан ишончли бўлмаган кўрсаткич.

3-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, барча нейротрофик омилларнинг ўртача қийматлари назорат гуруҳига нисбатан статистик жиҳатдан ишончли фарқ қилади. Биринчи гуруҳда асосий гуруҳнинг ўртача NGF даражаси назорат гуруҳининг ўртача қийматидан 1,6 марта камроқ, цилиар нейротрофик омил (CNTF) даражасининг ўртача қиймати назорат гуруҳидан 2,2 марта юқори ва мия нейротрофик омил (BDNF) даражасининг ўртача қиймати асосий гуруҳга нисбатан 2,2 марта камроқ эканлиги аниқланди, бу эса мия тўқималарининг хужайра даражасидаги фаол деструкция жараёнини англатади. Иккинчи асосий гуруҳда эса NGF даражасининг ўртача қиймати назорат гуруҳининг ўртача қийматидан 2,0 марта камроқ, цилиар нейротрофик омил (CNTF) даражасининг ўртача қиймати назорат гуруҳидан 2,5 марта юқори ва мия нейротрофик омил (BDNF) даражасининг ўртача қиймати асосий гуруҳга нисбатан 2,9 марта камроқ бўлиб, бу эса мия тўқималарининг хужайра даражасидаги янада фаол деструкция жараёнини кўрсатади.


Бош миянинг инструментал тадқиқоти натижалари. МРТ тадқиқоти натижасида асосий гуруҳнинг барча пациентларида марказий нерв тизимида «соқов» лакунар инфарктлар, перивентрикуляр ва субкортикал лейкоарезлар кўринишидаги ўчоқли шикастланишлар аниқланди, ва 5 жадвалда акс олмақда. 4-жадвалдан кўриниб турибдики, 1-гурӯҳда асосан 1-босқичли лейкоарезга эга беморлар устунлик қилади (бу кўрсаткич 2-гурӯҳга нисбатан 2,5 марта кўпроқ), 2-гурӯҳда эса 2-босқичли лейкоарезга эга беморлар устунлик қилади (1-гурӯҳга нисбатан 1,7 марта кўпроқ). 3-босқичли лейкоарез фақат 2-гурӯҳда учраган. Ҳар икки асосий гуруҳда назорат гуруҳига нисбатан лейкоарезнинг статистик жиҳатдан ишончли учраганлиги кузатилган.

4-жадвал

Fazekas шкаласи бўйича МРТ тасвирларининг таҳлили, n=186

Fazekas шкаласи (босқич)	1-асосий гуруҳ		2-асосий гуруҳ		Назорат гуруҳи	
	Абс.	%	Абс.	%	Абс.	%
0 босқич (ЛА йўқ)	14	17,8	3	3,7	21	84
I босқич (юмшоқ ЛА – нуқтали ўчоқлар)	45	56,9	18	21,9	4	16
II босқич (ўртача ЛА – бирлашишга мойил бўлган ўчоқлар)	20	25,3	34	41,5	-	-
III босқич (оғир ЛА – тўлиқ бирлашган ўчоқлар)	-	-	27	32,9	-	-

Ҳар икки гуруҳда қондаги CD4 лимфоцитлари миқдори ва миянинг оқ моддасидаги лейкоарезнинг умумий майдони ўртасида корреляция алоқаси аниқланган. Ҳар икки гуруҳдаги корреляция алоқаси 4-расмда кўрсатилган.



4-расм. Асосий гуруҳдаги шахслар қонидаги CD4 лимфоцитлари миқдори ва мия оқ моддасидаги лейкоарезнинг умумий майдони ўртасидаги корреляция алоқаси, n=161

Шунингдек, МРТ тадқиқоти натижасида асосий гуруҳнинг барча беморларида мия пўстлоғида шикастланиш ўчоқлари «атрофия» ёки «субатрофия» кўринишида аниқланган бўлиб, улар пешона, чакка ва тепа бўлақларда яққолроқ намоён бўлган. Мия қаватидаги ўзгаришларнинг турлари 5-жадвалда кўрсатилган.

5-жадвал

Барча тадқиқ қилинган беморларнинг МРТ тасвири (%), n=186

Бош мия қисми	Қобик шикастланиши тури	1-асосий гуруҳ	2-асосий гуруҳ	Назорат гуруҳи
Пешона бўлаги	Субатрофия	54	66*	4
	Атрофия	4	16	-
Чакка бўлаги	Субатрофия	35	40	-
	Атрофия	3	6	-
Тепа бўлаги	субатрофия	26	36*	-
	Атрофия	0	2	-
Энса бўлак	субатрофия	-	-	-
	Атрофия	-	-	-

5-чи жадвалдан кўришиб турибдики, ҳар икки асосий гуруҳда ҳам бош мия пўстлоғининг шикастланишида статистик жиҳатдан ишончли даражада олдинга чиқиш пешана, чакка ва тепа бўлақларида кузатилган. Иккинчи гуруҳда бош мия қаватининг атрофияси статистик жиҳатдан ишончли даражада юқори бўлган (пешана соҳасида 4 марта, чака ва тепа суяк қисмларида 2 марта, $p \leq 0,05$).

Шунингдек, МРТ тадқиқотлари натижасида асосий гуруҳдаги барча беморларда бош мия ликвор тизимида ликвор ҳажми кенгайиши ва ўринбосар гидроцефалия кўринишидаги ўзгаришлар аниқланган. Ликвор тизимининг ўзгаришлари 6-жадвалда келтирилган.

6-жадвал

ОИВ энцефалопатияси бўлган беморларда марказий нерв тизимининг ликвор тизимидаги ўзгаришлар (%), n=161

Шикастланиш	Шикастланиш тури	1-асосий гуруҳ	2-асосий гуруҳ	Назорат гуруҳи
Ликвор худудларининг кенгайиши	Ташки	71	80	8
	Ички	52	42	-
Гидроцефалия белгилари	Ўринбосарли гидроцефалия	32	42	-

6-чи жадвалда кўрсатилганидек, тадқиқ қилинган ҳар икки гуруҳда назорат гуруҳига нисбатан ликвор соҳаларида сезиларли ўзгаришлар кузатилди. Иккинчи асосий гуруҳда алмаштирувчи гидроцефалия аломатлари биринчи асосий гуруҳга нисбатан 1,3 баробар кўпроқ аниқланди ($p \leq 0,05$).

